Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 79 (9315). ● 1988 йил 20 апрель ● чоршанба ● Баҳоси 3 тийин.


**ИШЧИЛАР ВА КОЛХОЗЧИЛАР! ХЎЖАЛИК ЮРИТИШНИНГ ЯНГИ МЕТОДЛАРИНИ, МЕҲНАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА РАҒБАТЛАНТИРИШНИНГ ИЛҒОР ФОРМАЛАРИНИ ДАДИЛ ЎЗЛАШТИРИНГИЗ! ИЛҒОРЛАР ТАЖРИБАСИНИ, ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАРНИ ЭГАЛЛАНГИЗ!**

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан)

*● Дала ишлари кундалиги*

## ЭКИШ ТУГАЛЛАНДИ

● **ҒАЛАБА.** (Телефон орқали олинди). Район деҳқонлари халқимизнинг бир кун эрта экқан ўн кун эрта ўради, деган доно нақлига амал қилиб, иш юритиб келишмоқда.

Дарвоқе бу йилги кўкламги экиш мавсумига ҳам район хўжаликларида пухта тайёргарлик кўрилди. Майдонлар вақтида экишга тайёрланди. Асосийси, район механизаторлари экишда ишлатиладиган агрегатларни сифатли созлаб қўйишди. Шу туфайли районда чигит экиш қисқа муддатда ўтказилди. Мавжуд 16243 гектар майдонга оби-тобида, ернинг намида уруғ қадаб бўлинди.

Район деҳқонларининг биринчилардан бўлиб экишни тугаллашларида айниқса, ишнинг мусобақа асосида ташкил этилганлиги жуда қўл келди. Хўжаликлар ўртасидаги ўзаро мусобақада «Коммунизм» совхози, Свердлов номли, «Заря коммунизма» ва Ленин номли колхоз меҳнаткашлари илғорлик қилишди. Айни кунларда район пахтакорлари чигитни бехато ундириб олиш учун парваришда ишлатиладиган барча техникаларни тайёрлашга киришдилар.



ҲОЗИР далаларда иш қизғин. Мўл ҳосилга дастлабки замин яратилмоқда, ерга «барака уруғи» қадалмоқда. Чиноз районидаги Навоий номли колхоз миришкорлари бу мавсумга пухта тайёргарлик билан киришдилар. Ерлар ўз вақтида текисланди, борона қилинди. Экишга ўз вақтида киришилди. Экипаж аъзолари маҳорат, тажрибаларини тўла ишга солмоқдалар. Хўжаликдаги мавжуд экиш агрегатлари унумли ишламоқда. Бу иш айниқса, колхознинг Йўлдош Мирзааҳмедов бошлиқ бригадасида жадал олиб борилмоқда. Суратларда: (юқорида чапдан) колхоз раиси Х. Акромов ва бригада бошлиғи Й. Мирзааҳмедовлар экиш сифатини кўздан кечиришяпти; чигитнинг бехато экилишида сеялкачи (пастда) Абдураҳим Исаевнинг хизмати катта.

Р. ГАЛИЕВ фотолари.



## ФУРСАТ БОЙ БЕРИЛМОҚДА

● **БЎКА** райони деҳқонлари бу йил ўтган йилги қолоқликнинг аччиқ сабоқларидан тўғри хулоса чиқариб иш юритишяпти. Шу кунгача район хўжаликларида мавжуд 23 минг 436 гектар майдоннинг 21 минг 719 гектарига «барака уруғи» қадаб бўлинди. Бунда айниқса «Партия XX съезди», Тимирязев номли, Ильич номли ва Фрунзе номли колхозларнинг деҳқонлари пешқадамлардан бўлишди. Мазкур хўжаликларда экиш мавсуми тез ва соз ўтказилди. Бунинг боиси, хўжаликларда инсон омилига эътибор берилаётгани, техника ва механизмларнинг кўкламги ишларга ўз вақтида тахт қилиб қўйилганлигида, албатта.

Аммо, райондаги «Кўкорол» совхозида экиш ишларининг жуда суст олиб борилаётганлиги ачинарлидир. Ерларнинг нами қочиб, кунлар исиб бораётганига қарамай, совхозда мавжуд 2 минг 532 гектар майдоннинг эндигина 1 минг 490 гектаригагина чигит экилганини қандай изоҳласа бўлади? Ахир, кузда кўтариладиган пахта хирмонига айни пайтданоқ замин тайёрлашни хўжалик раҳбарлари наҳотки унутишган бўлса. Акс ҳолда, совхозда бу муҳим тадбир асоссиз баҳоналар билан кечиктирилмаган бўларди.

(ЎЗ МУХБИРИМИЗДАН).

# ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Тошкент область партия комитетининг навбатдаги бюро мажлисида Бўка район партия комитетининг «КПСС Марказий Комитетининг Ўзбекистон ССРда пахтачиликни ривожлантириш ва бу тармоқдаги жиддий камчиликларни бартараф этиш юзасидан кўрсатмасини бажариш юзасидан республика партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида» Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VII пленуми (1987 йил) қарорларини бажариш бўйича иши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Шу нарса таъкидландики, район партия комитети қишлоқ хўжалигини ва асосий тармоқ ҳисобланган пахтачиликни ривожлантириш юзасидан раҳбарлик услубларини тубдан ўзгартиришга эришмади, бу борада қатъий позицияни эгалламади. Кўпгина хўжаликларнинг партия комитетлари ва хўжалик раҳбарлари ҳамон экстенсив методларга таянган ҳолда иш тутмоқдалар. Жумладан, 1988 йилда экин экиладиган майдонларнинг фақат чорак қисмида интенсив технология бўйича пахта етиштириш мўлжалланган. Ҳар уч колхоз ва совхознинг бири гектар бошига 25 центнердан кам ҳосил етиштиришни белгилаган.

Пахта ҳосилини йиғиштириб олиш ишларини комплекс ҳал этиш юзасидан зарур чоралар кўрилмаяпти. Бирорта ҳам хўжалик йиғим-терим кампаниясини ўз моддий-техника воситалари ва меҳнат ресурслари ёрдамида йиғиштириб олиш юзасидан аниқ программани ишлаб чиқмаган. Кўпгина хўжаликларда техникани ҳосил йиғим-теримига тайёрлаш ишлари ҳозиргача бошланмаган.

Хўжаликлар индустриал технологияни менсимаган ҳолда маккажўхори, шоли, сабзавот, полиз, озуқа экинларидан паст ҳосил олишни планлаштирмоқда. Ялпи ҳосилни экинзорларни кенгайтириш ҳисобига кўпайтириш мўлжалланмоқда. Бу ҳол алмашлаб экиш технологиясига мутлақо зиддир. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати қониқарсиз даражада бўлганлиги учун ҳам деҳқончилик тармоғининг самарадорлиги пастдир. Бу йил суғориладиган ерларнинг 1135 гектари оборотдан чиқарилди.

Район партия комитети, район ижроия комитети бошланғич партия ташкилотлари иш савиясини оширишга, иқтисодий методлар асосида хўжалик юритиш, социал масалаларни тезроқ ҳал этиш асосида меҳнат коллективлари фаолиятини яхшилашга эриша олмадилар. Қатор хўжаликларда кадрларнинг иқтисодий ўқуви расмиятчилик учунгина ташкил қилинган. Кўпгина мутахассислар, ўрта бўғин раҳбарлари пудрат, ҳисоб-китобнинг чек усули ва харажатларни назорат қилиш бўйича тасаввурга эга эмаслар. Технологик карта тузишда ва ишлаб чиқариш топшириқларини белгилашда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Райондаги хўжаликларнинг ярмигина пахтачиликда меҳнатга ҳақ тўлашнинг пудрат усулини жорий этишни мўлжалламоқда.

Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва ўринларни тўлдириш, бошланғич партия ташкилотлари жанговарлигини ошириш юзасидан ишлар савияси паст бўлганлиги учун ҳам техника тараққиётини жорий этиш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишда туб ўзгаришлар ясалмаяпти.

Область партия комитети Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VII пленуми (1987 йил) қарорлари асосида пахтачиликни янада ривожлантириш ва интенсивлашни таъминлаш юзасидан Бўка район партия комитети бюроси ишини қониқарсиз деб топди ва район партия комитетининг биринчи секретари Х. А. Пирнапасов бу ишда шахсан масъул эканлигини огоҳлантирди. Район агросаноат комплексига партиявий раҳбарликни қайта қуриш бўйича кадрлар ва активлар масъулиятини ошириш, раҳбарлик самарадорлигини ўстириш юзасидан зарур чоралар кўриш топширилди.

Бюро мажлисида колхоз, совхозларда коллектив пудрати ва ички хўжалик ҳисобини жорий этиш бўйича область агросаноат комитети иши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Шу нарса таъкидландики, хўжаликлар ва уларнинг ишлаб чиқариш коллективларини коллектив пудрат, хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказишга тайёрлаш бўйича область агросаноат комитети олиб бораётган ташкилотчилик ишлари талабларига жавоб бермайди. Область агросаноат комитети (Н. И. Гусаков, А. П. Воронов, Р. Н. Нурматов, Ф. А. Аппазов ўртоқлар) бу масала билан зарур даражада қатъий шуғулланмаяпти, бўлим бошлиқлари, етакчи мутахассисларни бу вазифани ҳал этишга сафарбар этмаяпти. РАПО, колхоз ва совхозлар раҳбарларига, мутахассисларга нисбатан зарур даражада талабчанлик ва назоратнинг йўқлиги оқибатида пудратчи бўлинмалар ва хўжаликлар маъмурияти ўртасида тузилган шартнома шартлари кўп ҳолларда умумий характерда бўлиб қоляпти. Шартномаларда аниқ мажбуриятлар ва ўзаро масъулият кўзда тутилмаяпти. Меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлаш, хўжалик ҳисоби формаларини жорий этишда расмиятчилик ҳоллари мавжудлиги пировард натижага салбий таъсир ўтказаяпти. Жумладан, ўтган йили пудратчи коллективларнинг 40 процентдан ортиғи деҳқончиликда ўз план топшириқларини бажара олмади. Область агросаноати бўлинмалари маҳсулот ишлаб чиқариш учун белгиланган лимитдан 3,7 миллион сўмлик ортиқча харажатларга йўл қўйди. Область бўйича ва кўпгина хўжаликларда пахта, каноп пояси, картошка, мева топшириш планлари бажарилмади. Колхоз, совхоз ва давлат хўжаликларининг ялпи пул даромадлари камайди. Ҳар икки районнинг бири, хўжаликларнинг ярми соф фойда олишни камайтириб юбордилар. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосий турлари таннархининг ошиб кетишига йўл қўйдилар. 15 процентдан паст рентабелликка эга бўлган хўжаликлар сони кўпайди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида иш ҳақининг ўсиши меҳнат унумдорлигини ошириш суръатларидан юқори бўлди.

Бу камчиликларнинг ҳаммаси область агросаноат комитети аппарати партия комитети, цех партия ташкилотлари стратегик йўналишни ишлаб чиқмаганлиги ва область агросаноати системасида тўла хўжалик ҳисоби, ўзини ўзи қоплаш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш усулини жорий этиш бўйича аниқ ташкилий сиёсий тадбирлар белгиланмаганлиги оқибатида келиб чиқди. Цех партия ташкилотлари, бўлимлар ўртасида ўзаро мустаҳкам алоқа йўқ. Турдош тармоқлардаги аҳволдан хабардор эмаслар. Аппаратда кадрлар билан ишлаш суст қайта қурилмоқда.

Область партия комитети қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстиришни таъминлаш юзасидан партия қўйган талабларга область агросаноат комитети раҳбарлиги олиб бораётган ташкилотчилик ишлари даражаси ҳали жавоб бермайди, деб таъкидлайди. Область агросаноат комитети зиммасига район партия комитетлари РАПО билан ҳамкорликда агросаноат комплекси тармоқларини бошқаришни тубдан қайта қуриш, хўжалик юритиш иқтисодий механизмини такомиллаштириш, инсон омилини активлаштириш, коллектив, оилавий ва ижара пудратини кенг жорий этиш, ҳисоб-китобнинг чек усули ва харажатларни назорат қилиш ишларини такомиллаштириш юзасидан комплекс тадбирларни амалга ошириш вазифаси юкланди.

Область партия комитети бюросида область партия комитетининг 1988 йил биринчи квартали бўйича состави тўғрисидаги статистик ҳисобот кўриб чиқилди. Шу нарса таъкидландики, биринчи квартал давомида партия сафларини ўстиришга ёппасига киришиш, механик бошқаришга барҳам бериш йўли сақланди. Шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари партия сафларини шакллантириш масалалари бўйича берилган мустақилликка биноан меҳнат коллективларининг социал-иқтисодий тараққиётини, қайта қуришнинг асосий участкаларига партиявий таъсирни кучайтириш заруратини ҳисобга олган ҳолда партия сафларида танлаб олишга интилмоқдалар.

Партияга қабул масаласида ошкоралик кенгайиб бормоқда, партияга кирувчининг сиёсий, ишчанлик ва маънавий фазилатларини ўрганишга кўпроқ эътибор берилаяпти. Шу мақсадда партияга танлаб олишнинг икки йиллик системасидан самарали фойдаланилмоқда. Уч ой давомида 555 киши КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилинди. Бу ўтган йилнинг биринчи кварталига нисбатан 2,7 марта камдир. Қабул қилинаётганларнинг қарийб тўртдан уч қисмини ишчилар ва колхозчилар, ҳар уч кишининг бирини халқ хўжалиги мутахассислари ташкил этмоқда. Кандидатлик стажини ўташга бўлган талабчанлик ошиб бормоқда. 143 нафар кандидат партия аъзолигига қабул қилинмади.

Партия сафлари сифатини яхшилашга коммунистлар аттестацияси ижобий таъсир ўтказяпти. Суҳбатлар якуни бўйича ўтган уч ой давомида 1,2 минг коммунист шартли равишда аттестация қилинди. 1 мингдан ортиқ коммунист партиявий жазо олди. 730 коммунист умуман аттестация қилинмади, 62 коммунист партия сафидан чиқарилди. Шунга қарамай КПСС Марказий Комитетининг «1987 йилда КПССга қабул қилиш якунлари тўғрисида» қабул қилган қарорида тилга олинган кўпгина камчиликлар область партия ташкилоти составида ишчилар ядросини кўпайтириш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳали етарлича эмас. Айрим район, шаҳар партия ташкилотларида партияга қабул қилинаётганларнинг миллий составида номутаносиблик сақланиб қолмоқда. Айрим партия комитетлари ва ташкилотлари хотин-қизларни партияга танлашга кандидатлар билан ишлашга бўлган эътиборни сусайтириб юбордилар. Кандидатлик муддати ўтиб кетганлар оз эмас.

Бир қатор район, шаҳар партия комитетлари коммунистларнинг масъулиятини кўриб чиқиш бўйича белгиланган тартибга риоя этмаяптилар. Ўтган кварталда бошланғич партия ташкилотларини четлаб 15 коммунист раҳбарга жазо берилди. Маъмурий йўл билан жазо олган 22 раҳбар коммунист, халқ контроли жазолаган 28 коммунист раҳбар бошланғич партия ташкилотида муҳокама қилинмай қолди.

Область партия комитети бўлимлари, шаҳар, район партия комитетлари партия сафлари сифат составини вақти-вақти билан таҳлил қилиб боришга, кадрлар ва активларни ўқитишга, илғор тажрибаларни оммалаштиришга эътиборни сусайтириб юборганликлари, бошланғич партия ташкилотларига нисбатан талабчанлик ошмаётганлиги натижасида шунга ўхшаш камчиликлар содир бўлмоқда, қабул қилинган қарорлар бажарилмай қолмоқда.

Шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари зиммасига бир ой ичида КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида» қабул қилган қарори қандай бажарилаётганлигини чуқур таҳлил қилиш, йўл қўйилган камчиликларда айбдор бўлган кишилар масъулиятини кўриб чиқиш вазифаси юкланди.

Область партия комитети бюросида салбий сабаблар билан ишдан бўшатилган кадрларни қайта раҳбарлик ишларига қўйиш давом этаётганлиги ҳоллари кўриб чиқилди. Бу масала юзасидан материал газетанинг навбатдаги сонларидан бирида эълон қилинади.

Область партия комитети бюро мажлисида бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

# ҚУРИЛИШ КОНВЕЙЕРИГА НИМАЛАР ТЎҒАНОҚ БЎЛМОҚДА

*Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидаги семинар-кенгашдан*

19 апрель куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлиб ўтган семинар-кенгашда биринчи кварталда республика қурилиш комплекси ишининг якунлари, уни хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтказиш, уй-жой программасини амалга ошириш вазифалари кўриб чиқилди. Кенгашда область партия комитетларининг секретарлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва область ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, республика министрликлари ва идораларининг раҳбарлари қатнашдилар.

Семинарни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. Н. Лобко олиб борди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари К. Ҳ. Маҳамадалиев ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қурилиш ва шаҳар хўжалиги бўлимининг мудири З. А. Ботиров ахборот бердилар.

Қурилиш комплексини ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтказиш — қайта қуришнинг энг муҳим шартларидан бири эканлиги айтилди. Ўттизга яқин катта-катта қурилиш-монтаж ташкилотлари — монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги, бинокорлик материаллари саноати министрлигининг ҳамма бўлинмалари, иккита уйсозлик комбинати, Главташкентстройнинг бир қанча трестлари, «Алмаликсвинецстрой», «Узбекшахтострой» янги шароитларда ишламоқда. Эришилган натижалар чакки эмас, қурилиш индустрияси корхоналарини ҳисобга олмаганда пландаги кўрсаткичларнинг ҳаммаси бажарилди, Главташкентстрой фойда олиш планини икки баравар ошириб бажарди. «Ташметрострой» тресті хўжалик ҳисобида айниқса яхши ишлади. Бу ерда юксак иш унумдорлиги, шартномадаги мажбуриятлар аниқ бажарилиши ҳисобига фойда ортмоқда, ишчиларнинг иш ҳақи муттасил ошиб бормоқда. Ҳозир бу ердаги маош қурилиш комплексининг бошқа ташкилотларига нисбатан юқоридир.

Республика қурувчилари январь-март ойларида дуруст ишлаганликлари семинарда таъкидлаб ўтилди. Пудрат ишлари ҳажми плани батамом бажарилди, мўлжалдаги асосий фондлар, уй-жойлар, мактабгача тарбия болалар муассасалари, касалхоналар, поликлиникалар, ҳунар-техника билим юртлари ишга туширилди. Ишда ижобий силжишлар сезила бошлади, келаси йил бошларидан Ўзбекистон қурилиш-монтаж ташкилотларини батамом хўжалик ҳисобига ўтказиш учун замин яратилди.

Қолоқлик ҳамон ҳаддан зиёд катта, унумдорлик паст, иш сифатига нисбатан даъволар кўп. Уй-жой қуришнинг аҳволи ҳамон кескин бўлиб қолмоқда. Яқинда Ўзбекистонга келиб кетган КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев республика раҳбарларининг диққат-эътиборини шунга қаратди. Ҳозир пландан орқада қолиш миллион квадрат метрга етди. Хўш, иш маромини юксалтириб, уй-жой программасида кўзда тутилган марраларга чиқиб олиш учун нималар қилиш керак?

Бутун қурилиш комплексини хўжалик юритишнинг янги изларига тезроқ ўтказиш энг муҳим ишдир. Кўпгина коллективлар хўжалик ҳисоби, чек системаси тўғрисида аниқ бир тасаввурга эга эмаслигини тажриба кўрсатди. Мустаҳкам назарий билимсиз, мақсадни равшан белгилаб олмай, натижаларга эришиб бўлмайди.

Беш йилликда 42,2 миллион квадрат метр уй-жой қуриш лозим. Хўш, бу рақам нималардан вужудга келади? 18,5 миллион квадрат метр уй-жой давлат капитал маблағлари ҳисобидан қурилади. Тўрт ярим миллион квадрат метрга яқини эса кооперация йўли билан барпо этилади. Салкам 190 минг квадрат метри жамоат ташкилотлари, 431 минг квадрат метри колхоз маблағлари ҳисобидан қурилади. Энг муҳими эса 18,7 миллион квадрат метр уй-жой аҳолининг куч-қувватлари билан бунёд этилади.

Ҳисоб-китоблар кооператив ва якка тартибда қурилишдан ташқари, пул билан таъминлашнинг ҳамма турлари бўйича илдамликка эришилишини кўрсатмоқда. Якка тартибдаги қурилишга келганда эса, бу ерда ҳозирдаёқ 749 минг квадрат метр уй-жой кам барпо этилиб, қолоқликка йўл қўйилган.

Маҳаллий Советлар ер участкаларини ажратишда сусткашлик қилаётганликлари асосий сабаблардан биридир. Мисол учун, Сирдарё областида 4 мингга яқин киши давлат квартираларини олиш учун навбатда турибди. Ер участкаларини олиш навбатида эса 7886 оила бор. Жойларда бу муаммо бюрократлик қилмай ҳал этилиб, одамларнинг талабларига эътибор берилса, энг муҳим социал масала кун тартибидан олиб ташланган бўлур эди! Гулистоннинг ўзида одамлар участкалар ажратиб берилишини 13 — 14 йиллаб кутишмоқда. Ҳолбуки, бу кишиларда кенг, пишиқ уйлар қуриб олиш учун маблағ ҳам, имконият ҳам бор.

Бинокорлик материаллари билан таъминлаш иккинчи бир ўткир масаладир. Қабул қилинган қарорларга қарамай, бундай материалларга бўлган эҳтиёжларнинг зўр-базўр ярмигина қондирилмоқда. Агробанк, омонатлар банки, уй-жой ва социал банкнинг сусткашлиги ҳам «Уй-жой» программаси амалга ошишига жиддий тўғаноқ бўлмоқда. Иморат қурувчиларга ёрдам бериши керак бўлган молия муассасалари сансалорлик қилаётганликларига мисоллар келтирилди. Жиззах областида қарз сўраган 1222 кишидан атиги... 82 киши пул олибди, холос! Ҳар бир кишининг ўзига топширилган участкада масъулиятини оширишгина «Уй-жой» программасини рўёбга чиқаришдаги, қурилиш комплексини хўжалик ҳисобига ўтказишдаги аҳволни ўзгартириши мумкин. Бугунги кунда орттирилган қимматли тажрибаларни пропаганда қилиш ва кенг ёйиш зарур.

Семинар-кенгаш қатнашчилари Тошкент областидаги «Политотдел» колхозига бориб, икки қаватли монолит уй-жойлар қуришнинг ташкил этилиши билан, шунингдек, маҳаллий хом ашёдан тупроқ — бетон ишлаб чиқариш билан танишдилар.

(ЎзТАГ).

*● Областимиз саноат корхоналарида ●*

## КЕНГ ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

✦ ОЛМАЛИҚ кон-металлургия комбинатининг халқ истеъмоли товарлари цехи коллективи ишлаб чиқариш ҳажмини йил сайин кенгайтирмоқда. Цех ишчи-хизматчилари ўтган хўжалик йилини дуруст якунладилар. Пландагидан ташқари бир неча минг сўмлик товар маҳсулоти савдо шахобчаларига етказиб берилди.

Ҳозирги вақтда цехда 15 турдаги буюмлар тайёрланмоқда. Халқ учун товарлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг комплекс программасига мувофиқ бундай маҳсулотлар хили кўпайтирилаверади. Яқинда қатор янги маҳсулотларни тайёрлаш ўзлаштирилди. Рух пигменти, санитария-техника асбоб-ускуналарини ремонт қилиш учун мосламалар, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашда фойдаланиладиган «Сегро-80» препарати ва бошқалар шулар жумласидандир.

Харидорлар кўплаб талаб қилаётган буюмларни ишлаб чиқариш ҳажми ҳам кўпаймоқда. Жумладан, дазмоллаш столлари, тўтиё, қуруқ руҳ бўёғини ишлаб чиқариш кенгаймоқда. Яқиндан бошлаб болалар спорт комплекси анжомлари тайёрлаш йўлга қўйилди.

Л. ЛАВРИНА.

## НУР ТАРАТУВЧИЛАР

✦ БУ КИЧИК, аммо аҳил ва иноқ коллектив зиммасига шарафли вазифа юклатилган. Улар областимиздаги 5 та районда ташқи ёритиш чироқларини ўрнатиш ва улардан фойдаланиш билан шуғулланадилар.

Оққўрғон районидаги бу ёритиш корхонаси нурчилари 2980 та электр ёритиш точкасига хизмат кўрсатишяпти. Биргина Оққўрғон районида 870 та шундай ёритиш манбалари бор.

Коллектив зиммасидаги вазифаларни тўла бажаришга астойдил ҳаракат қилмоқда. Шунинг учун ҳам ўтган йилги ва шу йилнинг ўтган уч ойидаги иш натижаси баракали бўлди. Давлат планлари ортиғи билан бажарилди. Фойдаланиш топшириғи эса 112 процент қилиб уддаланди. Айни вақтда 40 минг киловатт-соат электр энергияси тежаб қолинди.

Ёритиш манбаларини бошқаришда телемеханиканинг қўлланилиши ишни янада такомиллаштиришга олиб келди. Ҳозирги вақтда барча лампочкаларни ўчириш ва ёритиш «ТНО-10» маркали телемеханика қурилмаси ёрдамида амалга ошириляпти. Бу мослама диспетчерлик пунктида ўрнатилган. У автоматик равишда ишлайди.

Корхонада пудрат усулини қўлланишга ўтилди. Натижада ишчи-хизматчилар сони етти кишига камайди. Нур тарқатувчиларнинг маоши эса 12—20 процент кўпайди. Бу уларни янада самарали ва сифатли ишлашга ундамоқда.

Ғ. ТОЖИБОЕВ,
Оққўрғондаги районлараро ташқи чироқларни ёритиш корхонаси.

## ЎЗ КУЧЛАРИ БИЛАН

ЧИРЧИҚДА 72 квартирали янги турар-жой биноси фойдаланишга топширилди. Уни шаҳарнинг йирик саноат корхоналари «Чирчиксельмаш», «Узбекхиммаш» заводлари, Трансформатор ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинатининг ёш ишчи ва инженер-техник ходимлари ўз кучлари билан бунёд этишди. Улар бу уйни атиги бир йил илгари бунёд этишга киришган эдилар. Бинога пойдевор қурган «Чирчикжилстрой» бошқармаси бунёдкорлари ҳашарчиларга қурувчилик касбларини ўргатишди. Эндиликда ўз қўллари билан қурилган ва барча қулайликларга эга бўлган замонавий квартираларда яшаётган ёшлар меҳнатлари натижасидан мамнунлар.

А. КЕЛДИЕВА.

